

«EUROASIA INSURANCE» АЖ  
акциядорлари умумий йигилишининг  
2022 йил 17 августдаги карори билан

**«ТАСДИКЛАНГАН»**

йигилиш раиси Б.Шадиев



**«EUROASIA INSURANCE»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮФРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя қилиш тўғрисида» ги Конуни (бундан бўён – «Конун»), бошка қонун ҳужжатлари, «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги кўшма корхонаси (бундан бўён – «Жамият») Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган, ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг ҳуқуқий мақомини, фаолият тартибини, ҳуқук ва мажбуриятларини, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби ва уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини, Кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.
2. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, конун ҳужжатлари ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.
3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлаш Кузатув кенгаши қарори билан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун алоҳида белгиланади. Кузатув кенгаши қошида доимий ёки вақтингчалик қўмиталар тузилиши мумкин. Ушбу қўмиталар функциялари, ваколатлари ва иш юритиш тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:
  - 4.1. Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият Ижроия органининг ҳисботини мунтазам равиша эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
  - 4.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, Конунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
  - 4.3. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;
  - 4.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳакида хабар қилиш ва иштирок этиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
  - 4.5. Конуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиш;
  - 4.6. Мол-мulkнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
  - 4.7. Жамиятнинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;
  - 4.8. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
  - 4.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;
  - 4.10. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

- 4.11. Жамият Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 4.12. Аудиторлик текширувани ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор килиш), шунингдек халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул килиш;
- 4.13. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 4.14. Тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтищисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 4.15. Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 4.16. Захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 4.17. Филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 4.18. Шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш (улар факат акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- 4.19. Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул килиш;
- 4.20. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 4.21. Корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4.22. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4.23. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 4.24. Қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4.25. Аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (жумладан, аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4.26. Акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 4.27. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 4.28. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни, бу ҳакда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

- 4.29. Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, Ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперплар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш;
  - 4.30. Жамият устави ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилиш.
  - 4.31. Жамият Кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш учун қуидагиларни амалга оширади:
  - 4.32. Жамият Ижроия органи, ички назорат органлари, Жамиятда тузилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарурат туғилганда эса жамиятни ривожлантириш режаларини ва унда белгиланган мақсадларга эришиш чоратадбирларини шлаб чиқиши ташкил этиш учун эксперплар ва мутахассисларни жалб қилиш;
  - 4.33. Жамият ташкилий тузилмасини қонун хужжатлари талабларига мувофиқ жорий этиш ва доимий равища уларнинг фаолиятини баҳолаш, ҳамда ҳар йилги молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига биноан чоп этишга ўтилишини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;
  - 4.34. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этилиши устидан назорат олиб бориш.
  - 4.35. Қонун хужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.
5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари Жамиятнинг Ижроия органига берилиши мумкин эмас.

### **III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш**

6. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Қонун ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланади (ёки тайинланади).
7. Жамият Кузатув кенгашининг таркибий миқдори Жамият Устави билан белгилаб қўйилади.
8. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган (тайинланган) шахслар, чекланмаган холда қайта сайланишлари мумкин.
9. Жамият Ижроия органининг раҳбари ва унинг аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланишлари (тайинлаши) мумкин эмас.
10. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) асосида ишлаёган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари бўла олмайдилар.
11. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари бекор қилиш акциядор ўзгарганда, Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзосининг тегишли аризаси мавжуд бўлганда ва бошқа асосларга кўра, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан амалга оширилади.
12. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сайловлари (тайинлови) кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

13. Кумулятив тарзда овоз берилганда хар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони, Жамият Кузатув кенгашига сайланиши (тайинланиши) лозим бўлган шахсларнинг сонига кўпайтирилади, ва акциядор шу тариқа олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга ҳақлидир.
14. Энг кўп овоз тўплаган номзод Кузатув кенгаши таркибига сайланган (тайинланган) деб хисобланади.

#### **IV. Кузатув кенгашининг раиси**

15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.
16. Жамият Кузатув кенгаши раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
17. Жамият кузатув кенгашининг раиси (ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатли шахси) унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлислинини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.
18. Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқлигига унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

#### **V. Кузатув кенгашининг мажлиси**

19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгашининг аъзоси, Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг), Жамият Ижроия органининг, шунингдек Жамият овоз берувчи акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган микдорининг эгаси хисобланадиган акциядор (акциядорлар) нинг талабига биноан чақирилади.
20. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан хар чоракда камида бир марта чақирилади. Мажлисда мажбурий тарзда куйидаги масалалар кўриб чиқилади:
  - Ижроия органининг йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги, Жамиятнинг таркибига кирадиган корхоналарнинг уларнинг бизнес-режалари, ҳамда Жамиятнинг бошқа ички хужжатлари билан тасдиқланган кўрсатгичларига эришиш ва бажарилган ишлар тўғрисидаги хисоботи;
  - Ички аудит хизматининг хисоботи;
  - Тафтиш комиссиясининг (Тафтишчининг) Жамиятдаги тобе (аффилланган) шахслар билан битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, ҳамда бундай битимлар тузиш учун қонунчилик ва Жамиятнинг ички хужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги холосаси.
21. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўtkазиш учун кворум, Жамият Кузатув кенгашига сайланган (тайинланган) аъзолар сонининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

22. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 фоизидан кам бўлиб қолса, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш (тайинлаш) учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Ижроия орган вакиллари (раҳбари ва/ёки унинг ўринбосарларини) ваколатлари муддатидан илгари бекор қилинган ҳолларда, уларнинг (унинг) вазифасини вактинчалик ижро этувчисини тайинлашга ҳақлидир.
23. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Қонун ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлиб қолган ҳолларда, Жамият Кузатув кенгаши раиси ҳал килувчи овозга эга бўлади.
25. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.
26. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида мажлис баёни юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баёни мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.
27. Мажлис баёнида қуидагилар кўрсатилади:
  - мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
  - мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
  - мажлиснинг кун тартиби;
  - овоз беришига қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
  - қабул қилинган қарорлар.
28. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баёни, баённинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган, мажлисда иштирок этган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.
29. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баёни Жамият Ижроия органи раҳбарига ижро учун у имзоланган кунда берилади. Кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур қарор ҳакидаги маълумот Жамият Ижроия органи раҳбарига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунда берилади.
30. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорнинг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

31. Кузатув кенгашининг мажлиси сўров йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан сиртдан овоз бериш (сўров) йўли билан қабул қилиниши мумкин. Техникавий воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари мавжуд бўлганда, Кузатув кенгашининг мажлислари видео-конференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

## **VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

32. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳукуқларга эга:
- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, регламент билан ажратилган вақт доирасида мажлисда муҳокама қилинадиган масала бўйича сўзга чиқиш;
  - Кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамиятнинг маълум вақт (давр) оралиғидаги фаолияти, уни ривожлантириш режалари ҳакидаги маълумотларни олиш;
  - қонун ҳужжатларига ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Кузатув кенгаши аъзолиги учун ҳак, харажатлар учун ҳак ёки компенсация олиш;
  - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳукуқларга эга бўлиш.
33. Кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятлари:
- Жамият билан битим тузилганда, мўлжалланаётган битим тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг аҳамиятга молик бўлган шартларини батафсил тарзда кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юбориш йўли билан Жамият томонидан битим тузилганда ўзининг тобелиги (аффилланганлиги) тўғрисида хабардор килиш.
  - ўзининг ваколати ва мажбуриятларини вижданан, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида амалга ошириш;
  - Кузатув кенгаши аъзоси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
34. Кузатув кенгашининг аъзолари Жамиятнинг имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳукуклар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамият фаолияти ва режалари ҳакидаги маълумотлардан) ўз манфаатлари мақсадларида фойдаланиш ҳукуқига эга эмас.

## **VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги**

35. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳукукларини амалга оширганларида ва мажбуриятларини бажарганларида Жамият манфаатлари йўлида харакат килишлари лозим, бунда қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида биноан Жамият олдида жавобгарликка эга бўладилар.
36. Овоз беришда иштирок этмаган ёки Жамиятга зарар етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликка эга бўлмайдилар.
37. Жамиятнинг акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар), Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

### **VIII. Якуний қоидалар**

38. Кузатув кенгаши аъзолари ишини ташкилий-техник таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро муносабатлар учун Жамиятнинг тегишли тузилмавий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.
39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
40. Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари конун ҳужжатлари ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави нормалари қўлланилади.